

О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКISTАН

« 23 » НОЯБРЬ 2019 у.

№ 943

Toshkent sh.

**Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими
қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ–5813-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг фискал модулга эга бўлган онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизимидан фойдаланишини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳрида онлайн назорат-касса машиналарини қўллаш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 февралдаги 150-сон қарорининг ижроси юзасидан Тошкент шаҳрида онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассани қўллаш бўйича тажриба ўтказилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ–5813-сон Фармони билан Нақд пул тушумига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланишга босқичма-босқич ўтказиш графиги (кейинги ўринларда график деб аталади) тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизимини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши рухсат этилган онлайн назорат-касса машиналари, виртуал касса ва фискал модулга қўйиладиган техник талаблар 2-иловага мувофиқ;

Онлайн назорат-касса машиналари, виртуал касса ва фискал модулга техник хизмат кўрсатиш марказларининг давлат реестрини юритиш ҳамда уларга қўйиладиган алоҳида талаблар 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши рухсат этилган онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларнинг давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Нақд пул тушумига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари аҳолидан нақд пуллари қабул қилишда графикда белгиланган муддатга қадар онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланишга ихтиёрий, белгиланган муддат тугаганидан кейин мажбурий равишда ўтадилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ–5813-сон Фармонининг 4-банди, иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳрида онлайн назорат-касса машиналарини қўллаш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 февралдаги 150-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу қарор билан тасдиқланган талабларга (низомларга) риоя этилиши устидан назорат ўрнатсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда тадбиркорлик субъектлари ўртасида, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида кенг тушунтириш ва тарғибот ишлари ўтказилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “23” ноябрдаги 943 -сон қарорига
1-илова

**Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда
онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса
тизимини қўллаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширадиган барча юридик шахслар, яқка тартибдаги ва оилавий тадбиркорлар (кейинги ўринларда тадбиркорлик субъектлари деб аталади) томонидан фискал модулга эга бўлган онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларни қўллаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

онлайн назорат-касса машиналари (кейинги ўринларда онлайн-НКМ деб аталади) – фискал модулга боғланиш имкониятига эга бўлган, фискал ҳужжатларни ҳосил қилувчи, фискал ҳужжатларни фискал маълумотлар операторига реал вақт режимида узатишни таъминловчи ва қоғозга чоп этувчи электрон ҳисоблаш машиналари, бошқа қурилмалар ва уларнинг комплекслари;

виртуал касса – фискал модулга боғланиш имкониятига эга бўлган, фискал ҳужжатларни ҳосил қилувчи ва ҳосил қилинган фискал ҳужжатларни фискал маълумотлар операторига реал вақт режимида узатишни таъминловчи, чекларни қоғозга чоп этиш ёки уларни электрон шаклда юбориш функциясига эга бўлган дастурий маҳсулот ва уларнинг комплекслари;

фискал маълумотлар оператори (кейинги ўринларда оператор деб аталади) – онлайн режимида фискал маълумотларни мустақил ва доимий равишда қабул қилиш, қайта ишлаш ва сақлаш ишларини бажарувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази ДУК;

фискал модул – оператор томонидан ишлаб чиқилган, махсус ҳимояланган дастурий таъминотга эга бўлган, ўзи уланган қурилманинг ҳисоблаш қуввати ва дастурий маҳсулотини ишлатмаган ҳолда фискал маълумотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда миллий стандартлар асосида криптографик ҳимоясини таъминловчи фискал хотира вазифасини бажарувчи ихтисослаштирилган физик қурилма;

фискал маълумотлар – ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотлар, ҳисоб-китобларни амалга оширувчи тадбиркорлик субъекти тўғрисида маълумот, ҳисоб-китобда фойдаланиладиган онлайн-НКМ, виртуал кассалар ёки оператор томонидан яратилган бошқа маълумотлар;

фискал белги – фискал маълумотларни миллий стандартлар асосида криптографик ўзгартирилиши натижасида фискал модул ёрдамида ҳосил қилинувчи такрорланмас белгилар тўплами;

фискал модул реестри – солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган фискал модул тўғрисидаги маълумотлар тўплами;

фойдаланувчи – сотилган товарлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) учун аҳоли билан пулли ҳисоб китобларни амалга оширишда онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассадан фойдаланадиган тадбиркорлик субъекти;

касса чеки (кейинги ўринларда чек деб аталади) – фойдаланувчи ва харидор (мижоз) ўртасида сотилган товарлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) учун ҳисоб-китобларни амалга оширишдаги онлайн-НКМ ёки виртуал кассада амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ шакллантирилган ва электрон шаклда ёки қоғозда чоп этилган, ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган, уни амалга ошириш фактини тасдиқловчи бирламчи ҳисоб ҳужжати;

ҳисоб-китоб – сотилган товарлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) учун нақд пул ва (ёки) электрон тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда маблағларни қабул қилиш ёки тўлаш ҳақидаги маълумот;

Z-ҳисобот – фискал модулнинг оператив хотирасидаги чекларнинг асосий фискал маълумотларини бўшатиб, уларни ўчмас хотирага жойлаштирган ҳолда шаклланадиган кунлик ҳисобот шакли. Бунда Z-ҳисоботнинг очилиш ва ёпилиш вақтлари қайд этилади;

завод рақами – онлайн-НКМ ва фискал модуллар ишлаб чиқарувчилари томонидан белгиланган такрорланмас белгилар тўплами;

онлайн-НКМ ва виртуал кассалар реестри – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат реестрига киритилган, доимий равишда янгилаб бориладиган онлайн-НКМ моделлари ва виртуал касса дастурий маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотлар тўплами;

техник хизмат кўрсатиш маркази – (кейинги ўринларда ТХКМ деб аталади) – онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассаларга узлуксиз сервис хизмати кўрсатувчи, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат реестрига киритилган юридик шахслар;

маҳсус ахборот тизими – фискал маълумотлар оператори томонидан онлайн-НКМ, виртуал кассалар, фискал модуллар ва ТХКМни рўйхатга олиш ва уларнинг ҳисобини юритиш учун ишлаб чиқилган маҳсус дастурий таъминот;

товар коди – товарларнинг халқаро “GS1” ва бошқа глобал маълумотномалар тизимларидаги мантиқий бирликлар асосида юритиладиган такрорланмайдиган рақами;

шериклик асосидаги ҳамкор - ТХКМ сифатида рўйхатдан ўтмасдан, ТХКМ билан шериклик асосида шартномага мувофиқ, ТХКМ филиали сифатида фаолият юритувчи юридик шахс.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фақат белгиланган тартибда Давлат реестрига киритилган онлайн-НКМ ва виртуал кассалардан фойдаланишга рухсат этилади. Давлат реестрига киритилмаган онлайн-НКМ ва виртуал кассаларни қўллашга йўл қўйилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ–5813-сон Фармони билан тасдиқланган графикда кўрсатилган муддатлар тугагандан кейин савдо (хизмат кўрсатиш) шаҳобчасида онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал касса билан бир вақтда бошқа турдаги (иккиламчи) фискал маълумотлар ҳисобини юритиш тизимларидан фойдаланиш тақиқланади. Фармоннинг 4-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5. Давлат солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган виртуал касса дастурий маҳсулотининг асос қисми (базаси) тадбиркорлик субъектларига бепул берилади. Унда маҳсулотларни кириш қилиш, касса чекини шакллантириш, фискал модул билан интеграция қилиш, чекларни онлайн режимда операторга юбориш, Z-ҳисоботни шакллантириш, фойдаланувчиларни бошқариш, оффлайн режимда ишлаш, товарлар номенклатурасини юритиш, умумий ҳисоботларни шакллантириш имкониятлари мавжуд бўлади.

6. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтган тадбиркорлик субъектлари томонидан тўлов терминали орқали қабул қилинган тўловлар учун харидорларга тўлов терминали чеки билан бирга онлайн-НКМ ёки виртуал касса чеки ҳам берилиши шарт (пластик карточкалар орқали тўловларни ҳам қабул қилиш имкониятига эга бўлган онлайн-НКМ ёки виртуал кассалар бундан мустасно).

7. Сотилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун харидорларга бериладиган онлайн-НКМ, виртуал касса чеклари, махсус оқ қоғозда ёзувлар қора рангда бўлиши, шунингдек, чек қоғозининг кенглиги 55 миллиметрдан ва ҳарфлар (белгилар) баландлиги 2 миллиметрдан кам бўлмаслиги лозим.

Онлайн-НКМ ва виртуал касса чекларида қуйидаги маълумотлар бўлиши шарт:

- чекнинг тартиб рақами;
- онлайн-НКМнинг завод рақами ёки виртуал кассанинг серия рақами;
- тадбиркорлик субъектининг номи;
- солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- пулли ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган манзил (харидорга етказиб бериш хизмати амалга оширилган тақдирда етказиб берувчи тадбиркорлик субъектининг юридик манзили);
- товар/хизмат номи;
- маркировка қилинадиган товарлар учун маркировка коди;
- товар/хизмат миқдори;

товар/хизмат нархи (қиймати);
товар/хизматнинг қўшилган қиймат солиғи ставкаси;
товар/хизматнинг қўшилган қиймат солиғи суммаси;
тўлов шакли: нақд, пластик карта ёки аралаш;
тўловнинг жами суммаси;
тўлов санаси ва вақти;
фискал модулнинг такрорланмайдиган рақами;
фискал белги;
берилган касса чекининг ҳақиқийлигини текшириш учун камида
30x30 миллиметр ўлчамдаги QR-код.

Чекда қўшимча равишда бошқа реквизитлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

2-боб. Онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассаларга хизмат кўрсатиш тартиби

8. Тадбиркорлик субъектлари Давлат реестрига киритилган онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассаларни мустақил сотиб олиши ҳамда ТХКМларни ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга.

9. Онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассага кафолатли узлуксиз техник хизмат кўрсатиш ТХКМ билан тадбиркорлик субъекти ўртасида тўзилган шартнома асосида амалга оширилади.

10. ТХКМ томонидан фискал модул ўрнатилган ва ишчи ҳолатга келтирилган онлайн-НКМ ёки виртуал касса мурожаат тушган кундан бошлаб бир иш куни ичида тадбиркорлик субъектига тақдим этилади.

11. ТХКМ томонидан онлайн-НКМ ёки виртуал касса носозлиги даврида тадбиркорлик субъектининг савдо ёки хизмат кўрсатиш шаҳобчасига бир кун ичида захирадаги онлайн-НКМ ёки виртуал кассаси ўрнатиб берилади.

12. Тадбиркорлик субъекти тугатилган, шунингдек, фискал модул яроқсиз ҳолатга келган, амал қилиш муддати тугаган, хотираси маълумотлар билан тўлган, ёхуд бошқа кўзда тутилмаган ҳолларда ушбу фискал модуллар тадбиркорлик субъекти томонидан ТХКМга қайтарилиши лозим.

13. Онлайн-НКМ ёки виртуал касса йўқотилган ёки ўғирланган ҳолларда тадбиркорлик субъекти томонидан бир иш кунидан кечикмай ТХКМ хабардор қилинади.

14. Давлат солиқ хизмати органларида тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланилаётган онлайн-НКМ ва виртуал касса тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади.

15. Махсус ахборот тизимидаги шахсий кабинетларга электрон рақамли имзо калити орқали кирилади.

3-боб. Онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассаларни давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказиш тартиби

16. Тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишни бошлашдан олдин онлайн-НКМ ёки виртуал кассани давлат солиқ хизмати органларидан рўйхатдан ўтказиш учун Давлат реестрига киритилган ТХКМ ёки унинг ҳудудий филиалларига 1-иловада келтирилган шаклга мувофиқ электрон ёки ёзма равишда ариза билан мурожаат қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

турғун шаҳобча мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг нусхалари (бино-иншоотнинг ёки унинг қисмининг ижара шартномаси ёки кадастр ҳужжатлари);

онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассага техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлашга ТХКМ билан тузилган шартноманинг нусхаси.

турғун савдо (хизмат кўрсатиш) шаҳобчаси манзилининг харитадаги координатаси.

Маълумотлар базасида мавжуд ахборотлар автоматик тарзда, мавжуд бўлмаган ахборотлар тадбиркорлик субъектлари ҳужжатларининг нусхалари (бино-иншоотнинг ёки унинг бир қисмининг ижара шартномаси ёки кадастр ҳужжатлари) асосида шакллантирилади.

17. Тадбиркорлик субъектидан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб этишга йўл қўйилмайди.

18. ТХКМ томонидан тадбиркорлик субъекти тақдим этган маълумотлар ўрганиб чиқилади ва ҳужжатлар қабул қилинган вақтдан бошлаб 4 иш соати ичида махсус ахборот тизимида қайд этилади.

Бунда, онлайн-НКМ ёки виртуал касса давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги 2-иловага мувофиқ маълумотлар тадбиркорлик субъектининг шахсий кабинетига юборилади.

19. Тадбиркорлик субъектлари тақдим этган маълумотларда номутаносибликлар аниқланганда давлат солиқ хизмати органлари томонидан жойига чиққан ҳолда бир иш кунида ўрганиб чиқилади.

20. Онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал касса рўйхатдан ўтказилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

21. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассани давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

онлайн-НКМ ёки виртуал кассани рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тадбиркорлик субъекти томонидан тўлиқ тақдим этилмаганда;

тадбиркорлик субъектлари тақдим этган маълумотларда номутаносибликлар аниқланиб, улар тасдиқланганда;

Давлат реестрига киритилмаган онлайн-НКМ ёки виртуал касса маълумотлари кўрсатилганда.

Бошқа асосларга кўра онлайн-НКМ ёки виртуал кассани рўйхатдан ўтказиш рад этилишига йўл қўйилмайди.

22. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассани рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан бир иш кунидан кечиктирилмасдан рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда электрон тарзда ТХКМга ҳамда тадбиркорлик субъектининг шахсий кабинетига хабарнома юборилади.

23. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассани рўйхатдан ўтказиш рад этилган ҳолларда тадбиркорлик субъекти камчиликларни бартараф этган ҳолда, такроран рўйхатдан ўтказиш учун мурожаат этишга ҳақли.

24. Тадбиркорлик субъекти давлат солиқ хизмати органларининг онлайн-НКМ ёки виртуал кассани рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги хабарномаси, шунингдек, давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахси хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

25. Онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал касса рўйхатга қўйилган турғун шаҳобча манзили ўзгарган ҳолларда тадбиркорлик субъекти томонидан уч иш кунда онлайн-НКМ ёки виртуал кассани рўйхатдан ўтказиш маълумотларига тегишли ўзгаришларни киритиш учун ТХКМга бевосита ташриф буюрган ҳолда ёки электрон тарзда янги манзил бўйича турғун шаҳобча мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар нусхалари билан бирга ариза тақдим қилинади.

Шунингдек, ТХКМга тадбиркорлик субъектининг фаолияти тўхтатилган, фискал модул яроқсиз ҳолатга келган, амал қилиш муддати тугаган, хотираси маълумотлар билан тўлган, онлайн-НКМ ёки виртуал касса алмаштирилиши зарур бўлган ёки бошқа кўзда тутилмаган ҳолларда шу мазмундаги аризалар тақдим қилинади.

4-боб. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассани рўйхатдан чиқариш тартиби

26. Тадбиркорлик субъекти тугатилган, онлайн-НКМ ёки виртуал касса тадбиркорлик субъектида фойдаланишдан воз кечилган ҳолларда, тадбиркорлик субъекти (унинг вакили) томонидан ТХКМга бевосита ташриф буюрган ҳолда, ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ ариза билан мурожаат қилинади.

27. ТХКМ томонидан олинган маълумотлар асосида бир иш кунда онлайн-НКМ ёки виртуал кассани давлат солиқ хизмати органидан рўйхатдан чиқариш учун тегишли маълумотлар махсус ахборот тизимида қайд этилади.

28. Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси томонидан олинган маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончлилиги давлат солиқ хизмати

органларида мавжуд маълумотлар асосида, зарур ҳолларда эса жойига чиққан ҳолда бир иш кунида ўрганиб чиқилади ва натижаси бўйича онлайн-НКМ ёки виртуал касса тўғрисидаги электрон маълумотлар базасига тегишли маълумотлар киритилади.

5-боб. Тадбиркорлик субъекти томонидан онлайн-НКМ ёки виртуал касса қўлланиши тартиби

29. Онлайн-НКМ ёки виртуал касса ҳар куни иш бошланишидан олдин тадбиркорлик субъектининг масъул шахси томонидан умумий техник ҳолати, созлиги ҳамда сана ва вақт аниқ кўрсатилиши юзасидан текширилади.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ–5813-сон Фармони билан тасдиқланган графикда кўрсатилган муддатлар тугагандан кейин, аҳоли билан пулли ҳисоб-китоб қилувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан харидорларга пул маблағлари қабул қилинганлигини тасдиқловчи онлайн-НКМ ёки виртуал касса чекини мажбурий тартибда берилиши лозим.

31. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассани қўллаш жараёнида маълумотларни операторга реал вақт режимида етказиб беришнинг техник имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, шу жумладан, Интернет тармоғидаги вақтинча узилишлар бўлганда харидорларга (мижозларга) амалга оширилган харид учун чеклар оффлайн режимида берилиши мумкин. Бунда биринчи оффлайн режимда шаклланган чекни 24 соат ичида операторга узатилиши таъминланиши зарур.

32. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланиш жараёнида носозлик юзага келган ҳолларда тадбиркорлик субъекти бу ҳақда ТХКМнинг call-марказига қўнғироқ қилиши ёки бевосита ташриф буюриши ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали хабардор қилиши шарт. ТХКМ маълумотлар тушган вақтдан бошлаб бир соат ичида тадбиркорлик субъектига қарашли турғун савдо (хизмат кўрсатиш) шаҳобчаси жойлашган манзил бўйича давлат солиқ хизмати органини махсус ахборот тизими орқали хабардор қилади.

33. ТХКМ захирадаги онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассани ўрнатгунга қадар тадбиркорлик субъекти харидорлар билан пуллик ҳисоб-китобларни, давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган, ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ махсус квитанция дафтари асосида амалга оширади.

34. Онлайн-НКМ ёки виртуал касса, шунингдек, Интернет алоқаси доимий ишчи ҳолатда бўлиши учун жавобгарлик шахсан тадбиркорлик субъектига юкланади (Интернет провайдери ёки мобиль алоқа оператори иш фаолиятида юзага келадиган айрим техник муаммоли ҳолатлар бундан мустасно).

6-боб. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассага киритилган суммаларни қайтариш тартиби

35. Пул маблағларини қайтариш зарур бўлган ҳолларда сотувчи харидор томонидан тақдим этилган касса чеки ёхуд ушбу товарга ҳақ тўланганлигини тасдиқлайдиган чекка тенглаштирилган ҳужжат асосида харидорга пул маблағларини қайтариб бериши шарт.

36. Харидордан қайтарилган товарни қабул қилиб олиш учун юкхати расмийлаштирилади. Юкхати икки нусхада тузилади, улардан бири товар ҳисоботиغا тикиб қўйилади, иккинчи нусхаси харидорга топширилади ва қайтарилган товар учун пул суммасини олишга асос ҳисобланади. Қайтарилган сумма учун пул маблағларини қайтариш тўғрисида далолатнома расмийлаштирилади. Далолатнома бир нусхада тузилади, масъул шахслар томонидан имзоланади ва тадбиркорлик субъектининг раҳбари томонидан тасдиқланади. Харидор томонидан тақдим этилган касса чеклари қоғоз варағига ёпиштирилади ва далолатнома билан биргаликда бухгалтерияга топширилади.

37. Пул маблағларини қайтариш харидорнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган ҳолда, унинг ёзма аризаси асосида бир банк кунидан ортиқ бўлмаган вақт мобайнида ҳисоб-китоб рақамидан зарур пул маблағларини олиш йўли билан хўжалик юритувчи субъект кассасидан амалга оширилади. Тадбиркорлик субъекти кассасидан пулни қайтариш учун харидорнинг фамилияси, исми, отасининг исми мажбурий тартибда кўрсатилган ҳолда харажат касса ордери тузилади.

38. Товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда товарларни сотишдан олинган даромадга харидорларга қайтарилган пул суммасида тузатиш киритилади. Товарларни сотишдан олинган даромадга тузатиш киритиш пул маблағлари қайтарилган солиқ даврида амалга оширилади.

7-боб. Онлайн-НКМ ёки виртуал касса қўлланишини назорат қилиш

39. Товарлар сотиладиган (ишлар бажариладиган ва хизматлар кўрсатиладиган) жойларда аҳоли билан онлайн-НКМ ёки виртуал касса орқали ҳисоб-китобни амалга оширишда пул маблағларининг тўлиқ ҳисобга олинишини назорат қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

40. Онлайн-НКМ ёки виртуал касса қўлланишини назорат қилиш қуйидаги усуллар билан амалга оширилиши мумкин:

назорат тартибида харид қилиш;

онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг олдин шакллантирилган чекларини давлат солиқ хизмати органларига юборилган фискал маълумотлар билан солиштириш;

онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг ҳолатини техник талабларга мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш.

41. Давлат солиқ хизмати органлари амалга ошириладиган текширишлар даврида ТХКМ мутахассисларини онлайн-НКМ ёки виртуал касса бўйича техник экспертлар (маслаҳатчилар) сифатида қонун ҳужжатларига мувофиқ жалб этиш ҳуқуқига эга.

42. Техник талабларга мувофиқ бўлмаган, шу жумладан хизмат кўрсатишнинг дастурий маҳсулоти бузилган ҳолда онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланилганлиги тўғрисида шубҳа/белги мавжуд бўлган тақдирда давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари томонидан жойига борган ҳолда ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича баённома тузилади, айти бир вақтнинг ўзида онлайн-НКМ ёки виртуал касса дастурий маҳсулоти ўрнатилган қурилма ва фискал модул ўрганиш ва экспертизадан ўтказиш учун вақтинча олиб қўйилади.

Бунда, онлайн-НКМ ёки виртуал касса чекидаги фискал маълумот ва ваколатли органга юборилган фискал маълумот ўртасидаги тафовут шубҳа/белги сифатида тушунилади.

43. Онлайн-НКМ ёки виртуал касса дастурий маҳсулоти ўрнатилган қурилма ва фискал модул вақтинча олиб қўйилган тадбиркорлик субъектига давлат солиқ хизмати органлари томонидан эксперт хулосаси олингунга ва масала мазмунан кўриб чиқилгунга қадар тегишли ТХКМ томонидан рўйхатдан ўтказилган бошқа захирадаги онлайн-НКМ ёки виртуал касса ва фискал модул берилади.

44. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан олиб қўйилган онлайн-НКМ ёки виртуал касса дастурий маҳсулоти ўрнатилган қурилма ва фискал модул техник экспертизани амалга ошириш учун ушбу онлайн-НКМ ёки виртуал касса дастурий маҳсулотига техник хизмат кўрсатмайдиган мустақил ТХКМга берилади.

Экспертиза жараёнида онлайн-НКМ ёки виртуал касса дастурий маҳсулоти ўрнатилган қурилма ва фискал модулнинг носозлиги аниқланган тақдирда экспертиза учун хизмат ҳақи тадбиркорлик субъекти томонидан, акс ҳолда ваколатли органнинг солиқ органларини ривожлантириш фонди томонидан қопланади.

45. Онлайн-НКМ ёки виртуал касса дастурий маҳсулоти ўрнатилган қурилма ва фискал модул олинган кундан бошлаб уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда экспертизадан ўтказилиши шарт.

Экспертиза қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

46. Экспертиза натижасига кўра онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг хизмат кўрсатувчи дастури бузилмаганлиги аниқланган тақдирда онлайн-НКМ ёки виртуал касса дастурий маҳсулоти ўрнатилган қурилма ва фискал модул тадбиркорлик субъектига қайтарилади.

8-боб. Оператор фаолиятини юритиш тартиби

47. Оператор махсус техника воситалари билан жихозланган, миллий криптографик алгоритмлар базаси асосида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг криптографик усулларида фойдаланган ҳолда, реал вақт режимида ахборот-телекоммуникация тармоғи орқали онлайн-НКМ ва виртуал кассаларга бириктирилган фискал модуллардан келадиган маълумотларни узлуксиз равишда қабул қилади, қайта ишлайди ва сақлайди, шунингдек, ваколатли органнинг маълумотлар базасини шакллантиради.

48. Операторнинг вазифалари ва мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

фискал маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш;

фискал маълумотларни қабул қилинган вақтдан бошлаб беш йил муддатда сақлаш;

фискал маълумотларни қабул қилиб олиш жараёнида уларни ўзгартириш, блоклаш ёки йуқ қилиш имкониятини чеклаш;

фискал маълумотлар базасининг захира нусхалари юритилишини таъминлаш;

фискал модул фойдаланувчиларининг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш;

ўзига тегишли маълумотларни кўрсатган ҳолда Интернетда ўзининг ўз махсус ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва мунтазам ишлашини таъминлаш;

онлайн-НКМ ва виртуал касса чекларининг ҳаққонийлигини QR-код орқали текшириш имконинини берадиган ахборот тизимлари ва мобиль иловаларни ишлаб чиқиш;

фискал модул ва онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал касса дастурий маҳсулоти ўртасида маълумотларни алмашиш талабларини ва шаклларини ишлаб чиқиш;

фискал модулни техник жиҳатдан мос келадиган онлайн-НКМ ва виртуал кассаларнинг дастурий тизими билан интеграциялаштиришга кўмаклашиш;

сотилган маҳсулотлар (бajarилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) тўғрисидаги маълумотларни вилоят, шаҳар ва туманлар бўйича таҳлил қилиш, шунингдек, солиқ тўлашдан бўйин товлаш эҳтимоли бўлган ҳолатларни аниқлайдиган автоматлаштирилган таҳлил тизимларини ишлаб чиқиш;

давлат реестрига киритилган ТХКМларнинг ҳудудий филиалларини ва шериклик асосида ҳамкорларини рўйхатга киритиш;

ТХКМларнинг электрон шаклда юборилган аризасига мувофик малакали мутахассис сертификатига эга бўлган ходимларни рўйхатга олиш ва уларга операторнинг махсус ахборот тизимида ишлаши учун рухсат бериш;

ТХКМларни фискал модул билан таъминлаш ва махсус ахборот тизимида ТХКМларга берилган фискал модуллар ҳисобини юритиш;

онлайн-НКМ ёки виртуал касса дастурий маҳсулотининг техник ва функционал тавсифларига мувофиқлиги юзасидан ваколатли органга хулоса тақдим этиш.

49. ТХКМлар ва уларнинг ҳудудий филиалларини ёки шериклик асосидаги ҳамкорларни рўйхати махсус ахборот тизимида юритилади.

50. Оператор ваколатли органнинг қарорига асосан ТХКМнинг, унинг филиаллари ёки шериклик асосидаги ҳамкорлар мутахассис ходимларини махсус ахборот тизимида кириш имкониятини бекор қилиши мумкин.

51. Фискал модуллар ТХКМнинг аризаси асосида оператор томонидан берилади.

52. Оператор томонидан махсус ахборот тизимида фискал модуллар, ТХКМлар ва уларнинг филиаллари, мутахассис ходимлари, онлайн НКМ ва виртуал кассалар реестри юритилади.

53. Оператор ваколатли орган билан биргаликда турғун савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассани тўғри ишлаши юзасидан ўрганиш ҳамда лозим ҳолларда ўрганиш учун эксперт ташкилотларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Оператор ваколатли орган билан биргаликда ТХКМга юкланган вазифалар тўлиқ бажарилишини назорат қилиб боради. ТХКМга юкланган талаблар бажарилмаган тақдирда, уни давлат реестридан чиқариш чораларини кўради.

55. Тадбиркорлик субъектларини фискал модул билан таъминлаш ва оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тадбиркорлик субъектлари томонидан йилда бир марта базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида операторга тўлов амалга оширилади.

9-боб. Яқунловчи қондалар

56. Ваколатли орган оператор томонидан ушбу тартиб талабларига риоя қилиниши юзасидан назорат ўрнатади.

57. Оператор белгиланган тартибда фискал маълумотларни ваколатли органга юбормаган тақдирда ёки хато маълумотлар юборилганда, шунингдек, тартибда кўрсатилган муддатларда операторга юборилган ариза ва мурожаатларга жавоб бермаганда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

58. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга
оширишда онлайн-НКМ ва виртуал касса тизимини
қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

_____ раҳбаридан
(техник хизмат кўрсатиш маркази номи)
_____ га
(марказ раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми)

АРИЗА

(Онлайн-НКМ ёки виртуал кассани тургун шахобча жойлашган жой бўйича давлат солиқ хизмати
органларида рўйхатдан ўтказиш тўғрисида)

_____ СТИР _____ га
(тадбиркорлик субъекти номи)

қарашли _____ даги _____ шахобчасига
(аниқ манзил) (фаолият йўналиши, алкоголь савдоси, дорихона ва шу кабилар)

русуми _____, завод рақами (версияси) _____ бўлган онлайн-НКМ (виртуал
касса) ва _____ рақамли фискал модулни _____ ДСИда рўйхатдан
ўтказишга амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Тургун шахобча мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг нусхалари (бино-иншоотнинг ёки унинг қисмининг ижара шартномаси ёки кадастр ҳужжатлари);
2. Онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассага техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлашга ТХКМ билан тузилган шартноманинг нусхаси.
3. Тургун савдо (хизмат кўрсатиш) шахобчаси манзилининг харитадаги координатаси.

_____ (юрidik шахс мансабдор шахси ёки ЯТТнинг Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (сана)

Телефон рақами: _____

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга
оширишда онлайн-НКМ ва виртуал касса тизимини
қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Онлайн-НКМ ёки виртуал касса давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга
олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар**

Ушбу рўйхатга олинганлик тўғрисидаги
маълумот _____

_____ га

_____ моделдаги, завод рақами _____, 20__ йил

«__» _____ даги реестр рақами _____ бўлган онлайн-НКМ (виртуал касса)

_____ давлат солиқ хизмати органида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида берилди.

Реестр рақами	Онлайн-НКМ модели ёки виртуал касса дастурий таъминотининг версияси	Завод рақами	Дастурий версия рақами	Онлайн-НКМ жойлашган жой	Онлайн-НКМ ва виртуал касса рўйхатдан ўтказилганлиги ва рўйхатдан чиқарилганлиги тўғрисидаги белги

Давлат солиқ хизмати органи раҳбари _____

Онлайн-НКМ (виртуал касса)ни рўйхатдан
ўтказиш бўйича давлат солиқ хизмати органининг
масъул ходими _____

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга
оширишда онлайн-НКМ ва виртуал касса тизимини
қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

_____ раҳбаридан
(техник хизмат кўрсатиш маркази номи)
_____ га
(марказ раҳбарининг фамилияси, исми, шарифи)

АРИЗА

(Онлайн-НКМ ёки виртуал кассани тургун шахобча жойлашган жой бўйича давлат солиқ хизмати
органларида рўйхатдан чиқариш тўғрисида)

_____ СТИР _____ га
(тадбиркорлик субъекти номи)

қарашли _____ даги _____ шахобчасига ўрнатилган
(аниқ манзил) (фаолият йўналиши, алкоголь савдоси, дорихона ва шу кабилар)

русуми _____, завод рақами (версияси) _____ бўлган онлайн-НКМ (виртуал
касса) ва _____ рақамли фискал модулни _____ ДСИда рўйхатдан
чиқаришда амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Онлайн-НКМ (виртуал касса), фискал модулни ДСИдан рўйхатдан чиқариш сабаби:

Қуйидагилар илова қилинади:

1. Онлайн-НКМ (виртуал касса), фискал модулни ДСИдан рўйхатдан чиқариш учун асос
ҳисобланган ҳужжат _____ варақда.
2. Фискал модул _____ дона.
3. Қўшимча _____.

_____ (юридик шахс мансабдор шахси ёки ЯТТнинг Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (сана)

Телефон рақами: _____

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда
онлайн-НКМ ва виртуал касса тизимини қўллаш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-илова

Квитанциялар дафтарчасининг титул варағи

**ОНЛАЙН-НКМ ВА ВИРТУАЛ КАССА БУЗИЛГАНДА
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРНИНГ ФЙДАЛАНИШИ УЧУН КВИТАНЦИЯЛАР ДАФТАРЧАСИ**

Тикиш жойи

СТИР _____

Тадбиркорлик субъектининг номи

Квитанциялар: № _____ дан № _____ гача

20__ йил «__» _____ да __ рақам билан ____ давлат солиқ хизмати органида рўйхатдан ўтказилган

Дафтарча ип ўтказиб тикилган, давлат солиқ хизмати органи мухри билан тасдиқланган

Квитанциялар дафтарчасининг варақлари

Тикиш жойи	СТИР		Тадбиркорлик субъекти номи				киркиш чизиги	СТИР		Тадбиркорлик субъекти номи					
	Квитанциялар корешоги № 00000	Сана						Квитанциялар корешоги № 00000	Сана						
		Товар (ишлар ва хизматлар) номи	миқдори	нархи	ҚҚС ставкаси	ҚҚС суммаси			суммаси	Товар (ишлар ва хизматлар) номи	миқдори	нархи	ҚҚС ставкаси	ҚҚС суммаси	суммаси
	Ҳаммаси							Ҳаммаси							
	Сотувчининг Ф.И.О.		Тад. субъекти М.Ў.					Сотувчининг Ф.И.О.		Тад. субъекти М.Ў.					

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга
оширишда онлайн-НКМ ва виртуал касса тизимини
қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

Онлайн-НКМ, виртуал касса ва фискал модулни олиб қўйиш

(тагига чизилсин)

БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзо чекувчилар _____
(текширувчиларнинг Ф.И.О., лавозими)

_____нинг 20__ йил «__» _____ даги _____сон
(назорат органининг номи)

буйругига мувофиқ _____
(хўжалик юритувчи субъект ёки яқка тадбиркор мансабдор шахси Ф.И.О.)

иштирокида завод рақами _____, 20__ йил «__» _____ да _____ рақам
билан _____ ДСИда рўйхатдан ўтказилган, _____ манзилида
жойлашган, СТИР _____, _____ га тегишли бўлган
(хўжалик юритувчи субъектнинг номи (Ф.И.О.))

_____ модели (версияли) онлайн-НКМ, виртуал касса
қурилмаси ва фискал модулни олиб қўйдик.

Олиб қўйиш вақтида қуйидагилар аниқланди:

Олиб қўйиш пайтида онлайн-НКМ, виртуал касса, фискал модулнинг ҳолати _____
(умумий ҳолати (иш ҳолати, ишламайдиган ҳолати), шунингдек, алоҳида механик нуқсонлар кўрсатилади)

Ушбу баённома 3-нусхада тузилди.

1-нусхаси онлайн-НКМ, виртуал касса, фискал модул эгасида қолади;

2-нусхаси онлайн-НКМ, виртуал касса, фискал модулни олиб қўйган органда сақланади;

3-нусхаси онлайн-НКМ, виртуал касса, фискал модул билан биргаликда экспертиза органига тақдим
этилади.

Баённома 20__ йил «__» _____ да

_____ (давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсининг Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (имзо)

тадбиркорлик субъекти вакиллари иштирокида тузилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “23” ноябрдаги 943 -сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши
рухсат этилган онлайн назорат-касса машиналари,
виртуал касса ва фискал модулга қўйиладиган
ТЕХНИК ТАЛАБЛАР**

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур техник талаблар маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига фискал модул ва унинг дастурий маҳсулотларидан (версияларидан) фойдаланган ҳолда узатишни таъминлайдиган онлайн назорат касса машиналари (кейинги ўринларда онлайн-НКМ деб аталади), виртуал касса ва фискал модулнинг асосий техник ҳамда функционал хусусиятларини акс эттиради, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланиши рухсат этилган онлайн-НКМ ва виртуал кассанинг Давлат реестрига киритиладиган техник талабларга мувофиқлиги юзасидан доимий татбиқ этилади.

2. Онлайн-НКМ ва виртуал касса дастурий таъминоти орқали шакллантириладиган фискал маълумотларнинг электрон тузилмаси, уларни фискал маълумотлар оператори (кейинги ўринларда оператор деб аталади)га юбориш тартиби, техник хизмат кўрсатиш маркази (кейинги ўринларда ТХКМ деб аталади) билан электрон ахборот алмашиш форматлари оператор томонидан ишлаб чиқилади ва махсус ахборот тизимига жойлаштириб борилади.

2 боб. Онлайн-НКМ учун қўйиладиган техник талаблар

3. Онлайн-НКМга қўйиладиган техник талаблар қуйидагилардан иборат:

завод рақами ва завод рақами кўрсатилган корпусга эга бўлиши;

фискал модулсиз онлайн-НКМ дастурий маҳсулотдан фойдаланиш имкони чекланганлиги;

фойдаланувчи ва харидор (мижоз) ўртасида сотилган товарлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) учун ҳисоб-китобларни амалга оширишдаги онлайн-НКМ ёки виртуал кассада амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ шакллантирилган ва электрон шаклда ёки қоғозда чоп этилган, ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган, уни амалга ошириш фактини тасдиқловчи бирламчи ҳисоб ҳужжати (кейинги ўринларда чек деб аталади) қоғози бўлмаган ҳолда чекни шакллантириш учун буйруқ бериш имконини автоматик тарзда чеклаш;

онлайн-НКМдан рухсат этилмаган ҳолларда фойдаланишга ҳаракат қилинганда ёки маълумотлар базасига ташқи дастурлар орқали ўзгартириш киритилганда автоматик тарзда блоклаш тизимига ўтиш;

фискал модул носоз ҳолатга келганда ёки унинг хотираси тўлганда автоматик блоклаш тизимига ўтиш;

товарлар рўйхати ва товар кодларини халқаро “GS1” ва бошқа глобал тизимларнинг маълумотномалари орқали шакллантириш ва янгилаб бориш имкониятининг мавжудлиги;

штрих код ўқиш қурилмасини қўллаб-қувватлаш;

чекларни чоп этиш қурилмаси корпус ичида бўлиши;

фискал модул корпуснинг ичида жойлаштирилиши;

фискал маълумотларни қоғозга чоп этишдан олдин текшириш ва экранда товарлар (хизматлар) номланишини акс эттиришни талаб қиладиган бошқа амалларни бажариш учун камида TFT LCD 800*480 сизимли экранга эга бўлиш;

6 та белгидан кам бўлмаган дастурий паролга ёки бундан юқори даражадаги ҳимоя тизимига эга бўлиш;

мобил алоқа операторининг интернет тармоғига 3G ва ундан юқори стандартлар асосида, шунингдек, Wi-Fi стандарти орқали алоқа тармоғига боғланиш имкониятининг мавжудлиги;

сертификатлаш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатларининг мавжудлиги;

дастурий маҳсулотнинг муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг мавжудлиги (агар у хорижий мамлакатдан олинган бўлса унинг манбаи кўрсатилади);

фойдаланиш бўйича қўлланмага (давлат тили ва бошқа тилларда) эга бўлиш;

чоп этилган чеклардаги сонлар, ҳарфлар ва рамзлар аниқ кўринишда бўлиши ва бир хил маънода ўқилиши;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш жараёнида вақт ва санани интернет орқали UTC+05:00 вақт зонасига автоматик мослаштиришни таъминлаш имкониятининг мавжудлиги;

фискал маълумотлар бевосита фискал модул орқали тўғридан-тўғри фақат операторга узатилиши таъминланиши;

битта фискал модулдан бир вақтда фақат битта онлайн-НКМ учун фойдаланиш таъминланиши;

чек қоғозида акс этадиган маълумотлар устун равишда давлат тилида бўлиши таъминланиши;

фискал маълумотларни шакллантиришда уларга қасддан ўзгартириш киритилишидан ҳимояланганлик;

Онлайн-НКМ фискал маълумотлар алмашишда қўйиладиган талабларга зиён етказмайдиган бошқа қулайликларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4. Техник талаблар барча турдаги онлайн-НКМ учун татбиқ этилади.

5. Онлайн-НКМдан қуйидаги ҳолларда фойдаланишга рухсат этилмайди:

унинг модели Давлат реестрига киритилмаган бўлса;

чекда мажбурий талаблардан бири ёки бир нечтаси мавжуд бўлмаса;

онлайн-НКМга қўйилган талаблардан бири ёки бир нечтаси бажарилмаса;

ТХКМ билан кафолатли ва узлуксиз хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузилмаганда;

тадбиркорлик субъектининг маълумотлари ўзгарганда.

3-боб. Виртуал касса учун қўйиладиган техник талаблар

6. Виртуал кассаларга қўйиладиган техник талаблар қуйидагилардан иборат:

дастурий маҳсулот версия рақами, серия ёки лицензия рақамига эга бўлиши;

фискал модулсиз виртуал касса дастурий маҳсулотидан фойдаланиш имкони чекланганлиги;

виртуал кассадан рухсат этилмаган ҳолларда фойдаланишга ҳаракат килинганда ёки маълумотлар базасига ташқи дастурлар орқали ўзгартириш киритилганда автоматик тарзда блоклаш тизимига ўтиш;

фискал модул носоз ҳолатга келганда ёки унинг хотираси тўлганда автоматик блоклаш тизимига ўтиш;

товарлар рўйхати ва товар кодларини халқаро “GS1” ва бошқа глобал тизимларнинг маълумотномалари орқали шакллантириш ва янгилаб бориш имкониятининг мавжудлиги;

штрих код ўқиш қурилмасини қўллаб-қувватлаш;

6 та белгидан кам бўлмаган дастурий паролга ёки бундан юқори даражадаги ҳимоя тизимига эга бўлиш;

сертификатлаш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатларининг мавжудлиги;

дастурий маҳсулотнинг муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи хужжатнинг мавжудлиги (агар у хорижий мамлакатдан олинган бўлса унинг манбаи кўрсатилади);

фойдаланиш бўйича қўлланмага (давлат тилида ва бошқа тилларда) эга бўлиши;

чоп этилган чеклардаги сонлар, ҳарфлар ва рамзлар аниқ кўринишда бўлиши ва бир хил маънода ўқилиши;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш жараёнида вақт ва санани интернет орқали UTC+05:00 вақт зонасига автоматик мослаштириш имкониятининг мавжудлиги;

фискал маълумотларни бевосита фискал модул орқали тўғридан-тўғри фақат операторга узатилишини таъминланиши;

битта фискал модулдан бир вақтда фақат битта виртуал касса учун фойдаланиши таъминланиши;

чекда акс этадиган маълумотлар устун равишда давлат тилида бўлиши таъминланиши;

Виртуал касса фискал маълумотлар алмашишда қўйиладиган талабларга зиён етказмайдиган бошқа қулайликларга эга бўлиши мумкин.

7. Техник талаблар барча турдаги виртуал кассалар учун татбиқ этилади.

8. Виртуал кассадан қуйидаги ҳолларда фойдаланишга рухсат этилмайди:

унинг версияси (моделли) Давлат реестрига киритилмаган бўлса;

чекда мажбурий талаблардан бири ёки бир нечтаси мавжуд бўлмаса;

ТХКМ билан кафолатли ва узлуксиз хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузилмаган бўлса;

тадбиркорлик субъектининг маълумотлари ўзгарганда.

4-боб. Фискал модулнинг физик параметрлари

9. Фискал модул сифатида смарт-карта ёки USB-калити кўринишидаги қурилмалардан фойдаланиш мумкин.

10. Фискал модул Infineon SLE77CLFX2400PM контроллери ёки нисбатан янги версияси билан таъминланган бўлиши лозим. Бундан ташқари, карта T=0 ва T=1 алоқа протоколларини ҳамда ГОСТ 28147-89, UZDST1106-2009, UZDST1092-2009, 3DES, AES, RSA, SHA-1, SHA-224, SHA-256, ECC over GF(p) ва Random number generation криптографик алгоритмлар ва шифрлаш функцияларини, шунингдек Java Card 2.2.2 ва ундан юқори стандартларга жавоб бериши керак.

5-боб. Фискал модул дастурий таъминотига қўйиладиган функционал талаблар

11. Онлайн-НКМ ёки виртуал касса дастурий таъминотининг электрон мурожаати асосида фискал модул хотирасида чекни рўйхатга олади;

Фискал модул хотирасида “Z-ҳисобот”ларни шакллантиради ва сақлайди;

Онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал касса орқали шаклланган маълумотларни, жумладан, умумий чек суммаси, нақд ёки банк пластик картадан тўлов суммаси, ҚҚС суммаси, операция тури (сотиш ёки қайтариш) маълумотларини фискал модулга юборади.

Маълумотлар фискал модулга муваффақиятли ўтган тақдирда:

фискал модул такрорланмас рақамини;

электрон рақамли имзо ёрдамида имзоланган ва шифрланган чек маълумотларини қайтаради.

Шифрланган чек маълумотлари оператор томонидан қабул қилиниб, тасдиқлаш маълумоти фискал модулга тушганидан сўнг ушбу шифрланган чек маълумотлари фискал модул хотирасидан ўчирилади.

6-боб. Фискал модулни ишга тушириш

12. Фискал модулни ишга туширишда ушбу илованинг 5-бобидаги амалларни бажаришни таъминловчи ихтисослаштирилган дастурий таъминот (апплет) ўрнатилган бўлиши шарт.

13. Фискал модулни биринчи марта ишга тушириш жараёнида қуйидагилар амалга оширилади:

электрон рақамли имзо калитлари яратилади;

очиқ калит операторга узатилади.

14. ТХКМларини фискал модул ва ихтисослаштирилган дастурий таъминот (апплет) билан таъминлаш оператор томонидан амалга оширилади.

7-боб. Яқунловчи қондалар

15. Тадбиркорлик субъектлари ўзига бириктирилган фискал модулга зиён етказмаслик чораларини кўриши шарт.

16. Солиқларни яшириш мақсадида онлайн-НКМ ва виртуал касса дастурий маҳсулотига, шунингдек, фискал модулга қасддан ўзгартириш киритганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жазо чоралари қўлланилади.

17. Ушбу техник талабларни бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ 23 ” ноябрдаги 943 -сон қарорига
3-илова

**Онлайн назорат-касса машиналари, виртуал касса
ва фискал модулга техник хизмат кўрсатиш марказларининг
давлат реестрини юритиш ҳамда уларга қўйиладиган алоҳида
ТАЛАБЛАР**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу талаблар онлайн назорат-касса машинаси (кейинги ўринларда онлайн-НКМ деб аталади) қурилмалари ва виртуал касса дастурий маҳсулотларига техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш фаолияти билан шуғулланувчи, ихтисослашган, замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган юридик шахслар – техник хизмат кўрсатиш марказларини (кейинги ўринларда ТХКМ деб аталади) рўйхатга олиш, рўйхатдан чиқариш ва уларнинг Давлат реестрини юритиш тартибини ҳамда ушбу марказларга қўйиладиган алоҳида талабларни белгилайди.

2. ТХКМларнинг Давлат реестрига киритиш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан амалга оширилади ва унинг расмий сайтида эълон қилиб борилади.

3. Давлат реестрига киритилган ТХКМ республиканинг исталган ҳудудида малакали мутахассислар, етарли шарт-шароитлар ва асбоб-ускуналарга эга бўлган филиалларини очиши ёки шериклик асосида ишлаши мумкин.

Бунда, ТХКМга қарашли ҳар бир филиал алоҳида рўйхатга киритилади.

Шунингдек, онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассага хизмат кўрсатишга талаб бўлган ҳудудларда, ТХКМ, унинг филиали ёки шериклик асосида ҳамкорлари ушбу ҳудудда онлайн-НКМ ва виртуал кассаларга техник хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини очишлари шарт.

ТХКМларнинг ҳудудий филиаллари ёки шериклик асосидаги ҳамкорларини (кейинги ўринларда ҳудудий филиал деб аталади) рўйхатга киритиш фискал маълумотлар оператори (кейинги ўринларда оператор деб аталади) томонидан амалга оширилади.

4. ТХКМларни Давлат реестрига киритиш ва уларнинг ҳудудий филиалларини рўйхатга киритиш учун тўлов ундирилмайди.

5. Белгиланган тартибда Давлат реестрига киритилмаган ҳолда онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал касса дастурий маҳсулотларига техник хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланган юридик шахсларга нисбатан амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жазо чоралари қўлланилади.

6. ТХКМ тадбиркорлик субъектларига ўрнатилган онлайн-НКМ қурилмалари ва виртуал кассаларни мажбурий тартибда бир йилда бир марта техник ва дастурий кўриқдан ўтказди ва ўрганиш натижаларини кўриқларни қайд этиш дафтарида ҳамда уч иш кунда махсус ахборот тизимида қайд этади, шунингдек, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига хабарнома юборади.

Кўриқларни қайд этиш дафтари тадбиркорлик субъектига ТХКМ томонидан тақдим этилади.

2-боб. ТХКМга қўйиладиган талаблар

7. ТХКМ ўз фаолиятини амалга ошириш учун у томонидан хизмат кўрсатиладиган ҳамда ваколатли органда рўйхатга олинган онлайн-НКМлар ва виртуал кассаларнинг жами сони:

мингтагача бўлганда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдорида;

мингтадан беш мингтагача бўлганда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари миқдорида;

беш мингтадан кўп бўлганда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир минг баравари миқдорида маблағларни ваколатли органнинг махсус ҳисоб рақамига захирага қўйиши лозим.

8. Махсус ҳисоб рақамига захирага қўйилган маблағлардан ТХКМ, унинг филиаллари ёки шериклик асосида ҳамкорлари томонидан ўзи хизмат кўрсатаётган онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал касса дастурий маҳсулотининг функционал хусусиятларига ишлаб чиқарувчи ёки унинг ваколатли вакилини рухсатсиз ўзгартириш киритилганлиги аниқланганда, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари билан тузилган шартнома талаблари бузилганда шартномада назарда тутилган жарималарни қоплашда фойдаланилади.

9. ТХКМ томонидан захирага қўйилган маблағлар суммаси 7-бандда кўрсатилган миқдордан камайган тақдирда унинг етмаётган қисмини, ваколатли органнинг хабарномаси олинган кундан эътиборан ўн иш кунда ваколатли органнинг махсус ҳисоб рақамига тушиши таъминланиши зарур.

10. ТХКМ тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома асосида амалга оширади.

11. ТХКМ оператор билан ўзаро муносабатларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома асосида амалга оширади.

12. ТХКМ давлат солиқ хизмати органлари биноларида жойлаштирилишига йўл қўйилмайди.

13. ТХКМ онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассани рўйхатга олиш ва давлат реестрига киритишдан олдин унинг техник ҳолатини кўриқдан ўтказиши ва зарур дастурий маҳсулот билан таъминланганлигини текшириши лозим.

14. ТХКМ ўзига тегишли расмий сайтга ва махсус ахборот тизимига боғланган дастурий маҳсулотга эга бўлиши лозим.

Расмий сайтда қуйидагилар кўрсатилади:

ваколатли орган томонидан техник хизмат кўрсатиш ҳукуки берилган онлайн-НКМ ва виртуал касса турлари тўғрисидаги маълумотлар;

онлайн-НКМ, виртуал касса моделлари (версиялари) бўйича сотув нархлари;

онлайн-НКМ ва виртуал кассадан фойдаланиш бўйича йўриқнома, қўлланмалар, фото ва видео материаллар;

хизмат кўрсатиш турлари;

хизмат кўрсатиш нархлари (прайс-листлар);

онлайн ёрдамчи хизмати;

ТХКМнинг филиаллари тўғрисидаги батафсил маълумотлар (манзили, жойлашган жойи, кўрсатиладиган хизмат турлари ва бошқалар);

телефон орқали тезкор боғланиш (call-марказ) рақамлари.

15. ТХКМ ва унинг ҳудудий филиаллари онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассаларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш учун қуйидагиларга эга бўлиши лозим:

тезкор хизмат кўрсатиш учун керакли моддий-техник база ва асбоб-ускуналарга;

Онлайн-НКМ моделларини, виртуал кассаларни таъмирлаш ёки алмаштириш учун кафолатли хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузилган онлайн-НКМ ва виртуал кассалар сонига нисбатан камида беш фоиз миқдордаги тайёр онлайн-НКМ ва виртуал кассанинг қурилмаларига.

16. ТХКМ томонидан ўзи хизмат кўрсатаётган онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал касса дастурий маҳсулотининг функционал хусусиятларига ишлаб чиқарувчи ёки унинг ваколатли вакилининг рухсатисиз ўзгартириш киритилиши тақиқланади.

17. ТХКМ томонидан ўз мижозларига, онлайн-НКМ ва виртуал кассадан тўғри фойдаланиш бўйича тегишли кўрсатма ва маслаҳатлар бериб борилади.

18. ТХКМ амал қилиш муддати тугаган, яроқсиз ҳолга келган, хотираси тўлган ёки тадбиркорлик субъекти тугатилиши оқибатида қайтариб олинган фискал модулларни архивлаш учун қайтариб олинган кундан бошлаб бир ой муддатда операторга топшириши шарт.

3-боб. ТХКМни Давлат реестрига киритиш

19. ТХКМ фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган юридик шахслар Давлат реестрига киритилиши учун ваколатли органга иловага мувофиқ белгиланган шаклда ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдоридаги маблағ ваколатли органнинг махсус ҳисоб рақамида захира қилинганлиги ҳақида маълумот;

онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассани ишлаб чиқарувчи ёхуд унинг ваколатли вакили билан тузилган шартнома нусхаси;

фаолият юритиш жойи бўйича кўчмас мулкка ёки ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат(лар);

“call-марказ”га эга эканлиги тўғрисидаги маълумот;

онлайн-НКМ қурилмаси ва (ёки) виртуал касса дастурий маҳсулотига кафолатли хизмат кўрсатиш бўйича ишлаб чиқарувчи ёки унинг ваколатли вакили томонидан берилган малака сертификатига эга бўлган мутахассис(лар) тўғрисидаги маълумотлар.

20. ТХКМ фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган юридик шахслар тақдим этган маълумотларда номутаносибликлар аниқланганда давлат солиқ хизмати органлари жойига чиққан ҳолда ҳужжатларнинг ишончлилиги ва қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан бир иш кунида ўрганиб чиқишга ҳақли.

21. Кўриб чиқиш натижалари бўйича ваколатли орган ТХКМни Давлат реестрига киритиш ёки Давлат реестрига киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

22. Ваколатли орган қуйидаги ҳолларда ТХКМни Давлат реестрига киритишни рад этади:

ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда ёки улар белгиланган тартибда расмийлаштирилмаганда;

тақдим этилган ҳужжатларда номутаносибликлар аниқланиб, улар тасдиқланганда.

23. Ваколатли орган томонидан ариза берувчига ТХКМни Давлат реестрига киритиш тўғрисидаги қарор нусхаси ёки уни рад этиш сабаби кўрсатилган жавоб хати ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ўн беш иш кунида электрон ёки ёзма тарзда тақдим этилади.

24. Давлат реестрига киритиш рад этилганда, ариза берувчи камчиликларни бартараф этиб, ваколатли органга такроран мурожаат қилиши мумкин.

4-боб. ТХКМни Давлат реестридан чиқариш

25. ТХКМ қуйидаги ҳолларда Давлат реестридан чиқарилади:

тугатилганда, банкрот деб эътироф этилганда;

унинг фаолиятига нисбатан қонун ҳужжатлари талаблари ўзгарганда;

у томонидан ўзи хизмат кўрсатаётган онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг функционал хусусиятларига ишлаб чиқарувчи ёки унинг ваколатли вакилини руҳсатсиз ўзгартириш киритилганлиги аниқланганда;

ваколатли органга қилган мувожаатига мувофик.

26. ТХКМни Давлат реестридан чиқариш ваколатли органнинг қарори асосида амалга оширилади.

27. ТХКМни Давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кун муддатда ваколатли орган томонидан ТХКМга бу ҳақда хабарнома юборилади.

Шунингдек, уч кун муддатда Давлат реестридан чиқарилган ТХКМ, унинг филиали ёки шериклик асосидаги ҳамкор томонидан хизмат кўрсатилаётган тадбиркорлик субъектларининг шахсий кабинетига оператор томонидан бу ҳақда хабарнома юборилади.

28. Давлат реестридан чиқарилган ТХКМ хабарномани олган куни бу ҳақда ўз сайтида эълон қилиши шарт.

29. ТХКМ Давлат реестридан чиқарилгандан кейин беш кун муддатда ўзида мавжуд барча фискал модулларни операторга қайтариши шарт.

5-боб. ТХКМнинг ҳудудий филиалини ёки шериклик асосидаги ҳамкорларини рўйхатга киритиш

30. ТХКМ ҳудудий филиални рўйхатга киритиш учун операторга ҳудудий филиални рўйхатга киритиш тўғрисидаги мувожаатнома ҳамда ҳудудий филиалда онлайн-НКМ қурилмаси ва (ёки) виртуал кассага кафолатли хизмат кўрсатиш бўйича малака сертификатига эга бўлган мутахассис(лар) борлиги тўғрисидаги маълумотларни электрон шаклда тақдим қилади.

31. Ҳудудий филиал рўйхатга киритилганда махсус ахборот тизимидан фойдаланиш учун рухсат берилади.

32. Оператор ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда ёки ҳужжатларда нотўғри маълумотлар кўрсатилганда ҳудудий филиални рўйхатга киритишни рад этиши мумкин.

33. Оператор томонидан ариза берувчига ҳудудий филиални рўйхатга киритганлик ёки киритишни рад этганлик тўғрисидаги жавоб хати ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб етти иш кунида электрон тарзда тақдим этилади.

34. Ҳудудий филиални рўйхатга киритиш рад этилган тақдирда, камчиликларни бартараф этган ҳолда операторга такроран мувожаат қилиниши мумкин.

6-боб. ТХКМнинг ҳудудий филиалини рўйхатдан чиқариш

35. ТХКМнинг ҳудудий филиали қуйидаги ҳолларда рўйхатдан чиқарилади:

ТХКМнинг аризасига асосан;

ТХКМ ваколатли орган томонидан давлат реестридан чиқарилган тақдирда.

36. ТХКМнинг ҳудудий филиали рўйхатдан чиқарилган кундан бошлаб уч кун муддатда оператор томонидан ТХКМга ва унинг ҳудудий филиалига бу ҳақда электрон тарзда хабарнома юборилади.

37. ТХКМнинг ҳудудий филиали рўйхатдан чиқарилганда, махсус ахборот тизимидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам бекор қилинади.

38. ТХКМнинг ҳудудий филиали рўйхатдан чиқарилган кундан бошлаб уч кун муддатда ҳудудий филиал хизмат кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг шахсий кабинетига оператор томонидан бу ҳақда хабарнома юборилади.

39. Фискал модулар йўқотилганлигини қайд этиш ТХКМ томонидан расмийлаштирилади.

40. ТХКМ бир ой мобайнида ишлатилмаган фискал модулар сонининг, ишлатилаётган фискал модулар сонига нисбатан ўн фоиз миқдоридан кўп бўлган қисмини операторга қайтаради.

7-боб. Яқунловчи қондалар

41. Ваколатли орган ТХКМ томонидан ушбу тартиб талабларига риоя қилиниши юзасидан назорат ўрнатади.

42. ТХКМ томонидан ушбу тартибнинг 2-бобида назарда тутилган талаблар бажарилмаганда ёки қисман бажарилмаган тақдирда ваколатли орган ТХКМнинг махсус ахборот тизимидан фойдаланишни чеклаши ёки уни Давлат реестридан чиқариши мумкин.

43. Ушбу тартиб талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Онлайн-НКМ, виртуал касса ва фискал модулга
техник хизмат кўрсатиш марказларининг давлат
реестрини юритиш ҳамда уларга қўйиладиган
алоҳида талабларга
илова

_____ раҳбари
(давлат солиқ хизмати органи номи)
_____ га
(давлат солиқ хизмати органи раҳбарининг фамилияси, исми, шарифи)

АРИЗА

(Онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал касса тизимига техник хизмат кўрсатиш марказини Давлат реестрига
киритиш тўғрисида)

СТИР		
(тадбиркорлик субъекти номи)		
онлайн-НКМ, виртуал касса тизимига техник хизмат кўрсатиш марказини иловада келтирилган ҳужжатлар асосида Давлат реестрига киритишингизни сўрайман.		
Қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: 1. <i>Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдоридаги маблағ ваколатли органнинг махсус ҳисоб рақамида захира қилинганлиги ҳақидаги маълумот;</i> 2. <i>Онлайн-НКМ қурилмаси ва (ёки) виртуал касса дастурий маҳсулотини ишлаб чиқарувчиси ёхуд унинг ваколатли вакили билан тузилган шартнома нусхаси;</i> 3. <i>ТХКМнинг фаолият юритиш жойи бўйича кўчмас мулкка ёки ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат(лар);</i> 4. <i>"call-марказ"га эга эканлик тўғрисидаги маълумот;</i> 5. <i>ТХКМда онлайн-НКМ қурилмаси ва (ёки) виртуал касса дастурий маҳсулотига кафолатли хизмат кўрсатиш бўйича малака сертификатига эга бўлган мутахассис(лар) мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар;</i> Илова: __ варақда.		
_____	_____	_____
(юридик шахс мансабдор шахсининг Ф.И.О.)	(имзо)	(сана)
Телефон рақами: _____		

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ 23 ” ноябрдаги 943 -сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши рухсат этилган
онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларнинг
давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланиши рухсат этилган онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларнинг Давлат реестрини (кейинги ўринларда Давлат реестри деб аталади) юритиш тартибини белгилайди.

2. Давлат реестри Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ кўмитаси (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан шакллантирилади ва ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича юритилади.

3. Давлат реестри Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланиши рухсат этилган онлайн назорат-касса машиналари (кейинги ўринларда онлайн-НКМ деб аталади) ва виртуал касса дастурий маҳсулотлари (жумладан, уларнинг моделлари ва версиялари) тўғрисидаги тўлиқ маълумотлардан иборат бўлади.

4. Давлат реестри қўйидаги маълумотлар асосида онлайн-НКМ ва виртуал касса дастурий маҳсулоти бўйича шакллантирилади:

ишлаб чиқарувчи ва (ёки) унинг ваколатли вакили тўғрисидаги маълумотлар (ташкilotнинг номи, СТИР, юридик манзили, телефон рақами ва шу кабилар);

онлайн-НКМ модели унинг версияси, виртуал касса дастурий маҳсулоти версияси;

фискал маълумотларни ваколатли орган базасига узатиш имконияти яратилганлиги бўйича операторнинг ижобий хулосаси;

Ушбу қарорга “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши рухсат этилган онлайн назорат-касса машиналари, виртуал касса ва фискал модулга қўйиладиган техник талаблар” тўғрисидаги 2-иловага асосан тасдиқланган техник талабларга мувофиқлиги.

5. Ваколатли органнинг қарорига кўра Давлат реестрига онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал касса тўғрисидаги бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

2-боб. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассани Давлат реестрига киритиш тартиби

6. Ваколатли орган томонидан онлайн-НКМ ёки виртуал кассани Давлат реестрига киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда қуйидагилар ҳисобга олинади:

тақдим этилган онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг техник ҳужжатларга мувофиқлиги;

онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг техник ва функционал тавсифларини операторнинг ҳулосасидаги тавсиялари;

онлайн-НКМ ёки виртуал кассани давлат тилидаги ва бошқа тиллардаги фойдаланувчи йўриқномасининг мавжудлиги;

онлайн-НКМ ёки виртуал касса функционал тавсифларининг ягона техник талабларга мувофиқлиги;

онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг аниқ типига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида техник хизмат кўрсатиш имкониятлари мавжудлиги.

7. Онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассани ишлаб чиқарувчи юридик шахслар (агар чет эл корхонаси бўлса унинг ваколатли вакили) онлайн-НКМ ёки виртуал кассани Давлат реестрига киритиш ташаббускори бўлиши мумкин.

8. Ваколатли органда рўйхатга олинган онлайн-НКМ ва виртуал касса сони:

мингтагача бўлганда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз баравари миқдорида;

мингтадан беш мингтагача бўлганда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг минг баравари миқдорида;

беш мингтадан кўп бўлганда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг баравари миқдорида маблағларни ваколатли органнинг махсус ҳисоб рақамига захирага қўйиши лозим.

9. Махсус ҳисоб рақамига захирага қўйилган маблағлардан экспертиза натижалари бўйича, онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассалар орқали, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда, ишлаб чиқарувчининг айби билан фискал маълумотларни ваколатли органга нотўғри юборилиши ва онлайн-НКМ ёки виртуал кассаларнинг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши рухсат этилган онлайн назорат-касса машиналари, виртуал касса ва фискал модулга қўйиладиган техник талаблар” тўғрисидаги 2-илованинг 2 ва 3-боб талаблари асосида ишламаслиги сабабли солиқлар нотўғри ҳисобланиши натижасида давлат бюджетига етказилган зарарларни қоплаш, шунингдек, шу орқали тадбиркорлик субъектига етказилган зарарни қоплаш ҳамда оператор ўртасида тузилган шартнома талаблари бузилганлиги учун шартномада кўзда тутилган жарималарни қоплаш учун фойдаланилади.

10. Онлайн-НКМ ёки виртуал касса дастурий таъминотини давлат реестрига киритган тижорат ташкилоти захирага қўйилган маблағлар суммаси ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган миқдордан камайган тақдирда унинг етмаётган қисми, ваколатли органнинг хабарномасини олган кундан эътиборан ўн иш кунида ваколатли органнинг махсус ҳисоб рақамига тушишини таъминлайди.

11. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассани Давлат реестрига киритиш учун юридик шахс 2-иловага мувофиқ ариза билан ваколатли органга мурожаат қилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз баравари миқдоридаги маблағ ваколатли органнинг махсус ҳисоб рақамига захирага қўйилганлиги ҳақидаги маълумот;

онлайн-НКМ ёки виртуал касса дастурий маҳсулотининг техник ва функционал тавсифларига мувофиқлиги юзасидан операторнинг хулосаси;

шакллантирилган касса чеклари намуналари;

онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг эталон намунаси;

онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг техник ва функционал тавсифлари батафсил кўрсатилган техник паспорт (ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) ҳамда кафолат мажбуриятлари;

фойдаланиш ҳужжатлари (фойдаланувчи учун қўлланма, ўрнатиш бўйича қўлланма ва солиқ инспектори йўриқномаси);

ариза берувчининг эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш тўғрисидаги кафолат хати;

виртуал касса ёки онлайн-НКМ дастурий маҳсулотининг муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (патент). Бунда ҳужжат бошқа давлатдан олинган бўлса унинг манбаси кўрсатилади;

виртуал касса ёки онлайн-НКМ дастурий маҳсулотига техник кўмаклашиш маркази томонидан берилган экспертиза хулосаси.

онлайн-НКМга сертификатлаштириш органи томонидан берилган мувофиқлик сертификати.

12. Оператор онлайн-НКМ ёки виртуал кассани оператор билан тўғри интеграция қилингани ёки тўлиқ интеграция қилинмагани тўғрисидаги хулосани ўн иш кунида ариза берувчига тақдим этади.

13. Ваколатли орган онлайн-НКМ ёки виртуал кассани Давлат реестрига киритиш тўғрисидаги ҳужжатларнинг ишончлилиги ва уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан текширишга ҳақли.

14. Ваколатли орган онлайн-НКМ ёки виртуал кассани Давлат реестрига киритиш ёхуд Давлат реестрига киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

15. Ваколатли орган қуйидаги ҳолларда онлайн-НКМ ёки виртуал кассани Давлат реестрига киритишни рад этади:

ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаганда;

тақдим этилган ҳужжатларда номутаносибликлар аниқланиб, улар тасдиқланганда.

16. Ваколатли орган томонидан ариза берувчига онлайн-НКМ ёки виртуал кассани Давлат реестрига киритиш тўғрисидаги қарор нусхаси ёки Давлат реестрига киритишни рад этиш сабаби кўрсатилган жавоб хати ариза тақдим этилган кундан бошлаб бир ой муддатда электрон ёки ёзма тарзда тақдим этилади.

17. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассани Давлат реестрига киритиш рад этилган тақдирда, ариза берувчи камчиликларни бартараф этган ҳолда ваколатли органга такроран мурожаат қилиши мумкин.

3-боб. Онлайн-НКМ ва виртуал кассани Давлат реестридан чиқариш тартиби

18. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассани Давлат реестридан чиқариш ваколатли органнинг қарори асосида амалга оширилади.

19. Онлайн-НКМ ёки виртуал касса қуйидаги ҳолларда Давлат реестридан чиқарилади:

онлайн-НКМ ёки виртуал кассага нисбатан қонун ҳужжатлари талаблари ўзгарганда;

онлайн-НКМ ёки виртуал кассани ишлаб чиқариш тўхтатилганда ва (ёки) ички бозорда бир йил мобайнида эҳтиёт қисмлар мавжуд бўлмаганда;

онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланиш жараёнида фискал маълумотларни ҳосил қилишда, қоғозга чоп этишда ёки фискал маълумотларни операторга реал вақт режимида узатишда қасддан қилинган ноқонуний ҳаракатлар ваколатли орган томонидан аниқланганда;

онлайн-НКМ ёки виртуал кассани Давлат реестрига киритган ариза берувчининг ваколатли органга мурожаатига мувофиқ;

онлайн-НКМ ёки виртуал кассага нисбатан қонун ҳужжатлари талаблари ўзгарганда.

20. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассани Давлат реестридан чиқаришда қуйидаги ҳолатлар ҳисобга олинади:

онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг ваколатли органда рўйхатдан ўтказилган, тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланилаётган қурилмалари ёки дастурий маҳсулотлари сони;

онлайн-НКМ ёки виртуал кассани алмаштириш учун зарур бўлган муддат.

21. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассани Давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кун муддатда ваколатли орган томонидан бу ҳақда онлайн-НКМ ёки виртуал кассани Давлат реестрига киритган ариза берувчига хабарнома юборилади.

Шунингдек, уч кун муддатда Давлат реестридан чиқарилган онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланаётган тадбиркорлик субъектларининг шахсий кабинетига оператор томонидан бу ҳақда хабарнома юборилади.

22. Онлайн-НКМ ёки виртуал касса Давлат реестридан чиқарилган кундан бошлаб ўн беш кун муддатда тадбиркорлик субъектлари онлайн-НКМ ёки виртуал кассани алмаштиришлари лозим.

Ушбу бандда кўрсатилган муддатдан кейин Давлат реестридан чиқарилган онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланаётган тадбиркорлик субъектларига нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари қўлланилади.

4-боб. Яқунловчи қоида

23. Ушбу Низом талаблари бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўлланилиши
рухсат этилган онлайн назорат-касса машиналари ва
виртуал кассаларнинг давлат реестрини юритиш
тартиби тўғрисида низомга
2-илова

_____ раҳбари
(давлат солиқ хизмати органи номи)
_____ га
(давлат солиқ хизмати органи раҳбарининг фамилияси, исми, шарифи)

АРИЗА

(Онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассаларнинг Давлат реестрига киритиш тўғрисида)

СТИР _____

(тадбиркорлик субъекти номи)

_____ манзилда

жойлашган

_____ га

(юрлик манзили)

(мулкчилик шакли)

_____ русумли онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг _____
версиясини _____ иловада _____ келтирилган _____
Давлат реестрига киритишингизни сўрайман.

Қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз баравари миқдоридagi маблағ ваколатли органининг махсус ҳисоб рақамига захирага қўйилганлиги ҳақидаги маълумот;
2. Онлайн-НКМ ёки виртуал касса дастурий маҳсулотининг техник ва функционал тавсифларига мувофиқлиги юзасидан операторнинг хулосаси;
3. Шакллантирилган касса чеклари намуналари;
4. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг эталон намунаси;
5. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассанинг техник ва функционал тавсифлари батафсил кўрсатилган техник паспорт (ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) ҳамда кафолат мажбуриятлари;
6. Фойдаланиш ҳужжатлари (фойдаланувчи учун қўлланма, ўрнатиш бўйича қўлланма ва солиқ инспектори йўриқномаси);
7. Ариза берувчининг эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш тўғрисидаги кафолат хати;
8. Виртуал касса ёки онлайн-НКМ дастурий маҳсулотининг муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (патент). Бунда ҳужжат бошқа давлатдан олинган бўлса унинг манбаси кўрсатилади;
9. Виртуал касса ёки онлайн-НКМ дастурий маҳсулотига техник кўмаклашиш маркази томонидан берилган экспертиза хулосаси;
10. Онлайн-НКМга сертификатлаштириш органи томонидан берилган мувофиқлик сертификати.

Илова: __ varaқда.

_____ (юрлик шахс мансабдор шахсининг Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (сана)

Почта манзили: _____

Телефон рақами: _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ 23 ” ноябрдаги 943-сон қарорига
5-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Республикада савдо тушуми инкассация қилишини ва назорат-касса машиналаридан фойдаланишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1997 йил 11 декабрдаги 548-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 11-12-сон, 39-модда) 1-банди куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“1. Белгилансинки, нақд пул тушумига эга бўлган барча хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумини банкларга топширадилар. Бунда, базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваридан ортиқ миқдорда кунлик ўртача нақд пул тушумига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумини банк кассаларига ҳар куни инкассация хизмати орқали ёки мустақил равишда топширадилар. Кўрсатилган ҳажмдан кам бўлган кунлик ўртача нақд пул тушумига эга бўлган ёки онлайн назорат-касса машиналаридан (ёхуд виртуал кассадан) фойдаланишга ўтган хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумини банк кассаларига инкассация хизматлари орқали ўзлари белгилайдиган даврларда ёки мустақил равишда топшириш ҳуқуқига эга.”

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 1999 йил 19 мартдаги 125-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 3-сон, 14-модда) 2-банди тўртинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“юридик шахслар – истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар ўзлари ишлаб чиқарган товарларни чакана сотишни ўз фирма дўконлари, шу жумладан, ишлаб чиқариш жойида ташкил этилган ўз фирма дўконлари ёки ўзларига тегишли бўлган ёхуд белгиланган тартибда ижарага олинган турғун савдо шаҳобчалари орқали, фақат белгиланган намуналардаги назорат-касса машиналаридан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассадан, тўловларни пластик карточкалар бўйича қабул қилиш ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишлари мумкин”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Нақд пул муомаласини мустақамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2001 йил 22 июндаги 264-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 31-модда) 3-бандининг иккинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“белгиланган савдо қоидалари бузилган, назорат-касса машиналаридан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланилмаган, тўловларни пластик карточкалар бўйича қабул қилиш терминаллари билан жиҳозлаш ва тўловни пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда қабул қилишга доир белгиланган талаблар бузилган, шунингдек, нақд пул маблағлари банк кассаларига қонунчиликда белгиланган тартибда топширилмаган ҳолларда шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари солиқ органларининг тақдимномасига кўра чакана савдо учун берилган рухсатномаларнинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб қўяди ёхуд ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки рухсатномаларни бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилади”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 5 августдаги 280-сон қарорида (“Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 46-модда):

а) 2-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишган ҳолда улгуржи ва чакана савдода, умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасида савдо ва нақд тушумни топшириш қоидаларига риоя қилинишини режадан ташқари тезкор текширишларни амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

б) 8-банддаги “назорат-касса машиналари мавжудлигига ва нақд пул маблағлари инкассация қилинишига (банкларга топширилишига)” сўзлари “назорат-касса машиналари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал касса мавжудлигига ва нақд пул маблағлари қонунчиликда белгиланган тартибда инкассация қилинишига (банкларга топширилишига)” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 396-сон қарори билан тасдиқланган Лотереялар ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 21-сон, 173-модда) 2-банди олтинчи хатбошига “инкассация қилиш” сўзларидан кейин “(банкларга топшириш)” сўзлари қўшилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 71-модда) 19-банди бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Чакана савдо корхоналари (якка тартибдаги тадбиркорлар)га товарларни аҳолига ва хўжалик юритувчи субъектларга нақд пулда назорат-касса машиналаридан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган

ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланган ҳолда ва ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шаклида, шу жумладан, пластик карточкалардан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланган ҳолда сотишга рухсат берилади”.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2003 й., 3-сон, 27-модда):

а) 1-иловада:

21-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“21. Товарлар учун харидорлар билан нақд пулли ҳисоб-китоблар назорат-касса машиналари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассалар қўлланилган ҳолда амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Савдо объекти раҳбари сотувчи-ҳодимни назорат-касса машиналарида (виртуал кассада) ишлаш қоидалари билан таништириши шарт”;

57-банд ва 187^б-бандининг биринчи хатбошидаги “фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналаридан” сўзлари “фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналаридан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассалардан” сўзлари билан алмаштирилсин;

58-банднинг бешинчи хатбоши ва 189-банднинг ўн иккинчи хатбошидаги “назорат-касса машиналарини” сўзлари “назорат-касса машиналарини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассаларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

103-банднинг биринчи хатбоши ва 118-банднинг учинчи хатбошидаги “назорат-касса машиналари” сўзлари “назорат-касса машиналари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассалар” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

13-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“13. Истеъмолчилар билан нақд пулли ҳисоб-китоблар назорат-касса машиналарини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассаларни қўллаган ҳолда амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Умумий овқатланиш объекти раҳбари ҳодимни назорат-касса машиналарини (виртуал кассаларни) ишлатиш қоидалари билан таништириши шарт”;

14-банднинг учинчи хатбошидаги “назорат-касса машиналари” сўзлари “назорат-касса машиналари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассалар” сўзлари билан алмаштирилсин;

25-банднинг тўққизинчи хатбошидаги “назорат-касса машиналарини” сўзлари “назорат-касса машиналарини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассаларни” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 мартдаги 89-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 14-сон, 151-модда) билан тасдиқланган Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоғолли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг учинчи хатбошига “фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси” сўзларидан кейин “қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машинаси ёки виртуал касса” сўзлари билан қўшилсин;

б) 18-банддаги “инкассация қилишдаги” сўзлари “инкассация қилиш (банкларга топшириш)даги” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 35-сон, 403-модда):

а) 1-иловада:

20-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“20. Бозор ҳудудида савдони амалга оширишда фискал хотирали назорат-касса машиналарини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналарини ёки виртуал кассаларни ва банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул қилиш бўйича тўлов терминалларини қўллаш қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва автоматлаштирилган ҳисобга олишнинг банк тизими орқали кўрсатиладиган хизматлар учун бериладиган чеклар назорат-касса машиналари ёки банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул қилиб олиш бўйича тўлов терминалларининг чекларига тенглаштирилади.

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўлланиладиган назорат-касса машиналари, виртуал кассалар ягона техник талабларга мувофиқ бўлиши керак ва белгиланган тартибда мажбурий сертификацияланиши зарур.

Сертификатга эга бўлмаган ёки белгиланган ягона техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан ёки виртуал кассалардан фойдаланган ҳолда чек бериш айбдор шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади”;

25-банднинг ўн иккинчи хатбоши, 41-банднинг учинчи хатбоши ва 42-банднинг биринчи хатбоши, 43-банд, 52-банднинг биринчи хатбошидаги “фискал хотирали назорат-касса машиналари” сўзлари “фискал хотирали назорат-касса машиналари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассалар” сўзлари билан алмаштирилсин;

26-банднинг олтинчи хатбошидаги “хар куни” сўзлари “белгиланган тартибда” сўзлари билан алмаштирилсин;

42-бандга қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

“Онлайн назорат-касса машинаси ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтган бозорлар томонидан сотувчиларга тақдим қилинган чекда бозорнинг номи, бозорнинг солиқ тўловчи идентификация рақами (СТИР), чек берилган вақт ва сана, тўловнинг номи (бир марталик йиғим тўлови), тўлов суммаси, ўрин рақами, сотиладиган товарнинг номи, шунингдек, QR-код ва фискал белги мажбурий тартибда акс эттирилади. Ушбу маълумотлар акс эттирилмаган чеклар ҳақиқий ҳисобланмайди”;

48-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари, 68-банднинг олтинчи хатбошидаги “фискал хотирали назорат-касса машиналарини” сўзлари “фискал хотирали назорат-касса машиналарини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналарини ёки виртуал кассаларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

17-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“17. Савдо комплекслари ҳудудидаги турғун савдо шаҳобчаларида савдони амалга оширишда фискал хотирали назорат-касса машиналарини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналарини ёки виртуал кассаларни ва тўловларни банк пластик карточкаларидан қабул қилиш бўйича тўлов терминалларини қўллаш тартиби мажбурий ҳисобланади.

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўлланиладиган назорат-касса машиналари, виртуал кассалар ягона техник талабларга мувофиқ бўлиши ва белгиланган тартибда мажбурий сертификатланиши керак.

Сертификатга эга бўлмаган ёки белгиланган ягона техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан ёки виртуал кассалардан фойдаланган ҳолда чек бериш айбдор шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади”;

21-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“нақд тушумни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банкка инкассация қилиш (топшириш)”;

23-банднинг олтинчи хатбошидаги “фискал хотирали назорат-касса машиналарини” сўзлари “фискал хотирали назорат-касса машиналарини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналарини ёки виртуал кассаларни” сўзлари билан алмаштирилсин;

35-банднинг тўртинчи хатбоши, 36-банддаги “фискал хотирали назорат-касса машиналари” сўзлари “фискал хотирали назорат-касса машиналари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассалар” сўзлари билан алмаштирилсин;

43-банднинг биринчи хатбошидаги “фискал хотирали назорат-касса машиналаридан” сўзлари “фискал хотирали назорат-касса машиналаридан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассалардан” сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 июлдаги 213-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 7-сон, 48-модда) билан тасдиқланган Автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“15. Автомототранспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинасига, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассага ва пластик карточкалардан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалига эга бўлишлари керак.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги 10-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 4-сон, 47-модда) билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 14-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“14. Материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш юридик ва жисмоний шахслар томонидан турғун савдо шахобчалари орқали фискал хотирали назорат-касса машиналари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал касса, тўлов терминалларини қўллаш ва пул тушумларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банкка инкассация қилиш (банкларга топшириш) йўли билан амалга оширилади”.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги 185-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 23-сон, 266-модда) билан тасдиқланган Электрон тижоратни амалга ошириш қоидаларининг 48-банди 1 ва 2 хат бошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“48. Электрон тижоратда тўловлар қуйидаги усулларда амалга оширилади:

нақд пул билан – назорат-касса машинасидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланиш орқали нақд пул маблағлари қабул қилингани тўғрисида назорат-касса машинаси ёки виртуал касса чеки ёхуд бошқа тасдиқловчи ҳужжатни мажбуран тақдим этиш, шунингдек, белгиланган тартибда инкассация қоидаларига риоя этган ҳолда, олинган пулларни хизмат кўрсатувчи банкка топширишни таъминлаш”.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 12 майдаги 284-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 20-сон, 364-модда):

а) 2-иловага асосан тасдиқланган Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссия тўғрисидаги низомнинг 7-банди еттинчи хатбошидаги “назорат-касса машиналари” сўзлари “назорат-касса машиналари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн нazorat-касса машиналари ёки виртуал касса” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-иловага асосан тасдиқланган Фармацевтика фаолиятини лицензиялашда ўзаро электрон ахборот алмашинуви схемаси 4-бандидаги “назорат-касса аппарати” сўзлари “назорат-касса машиналари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн нazorat-касса машиналари ёки виртуал касса” сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низомда:

а) 11-банд “д” кичик бандининг иккинчи хатбошидаги “назорат-касса машиналарини” сўзлари “назорат-касса машиналарини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн нazorat-касса машиналари ёки виртуал кассаларни” сўзлари билан, тўртинчи хатбошидаги “назорат-касса машиналарининг” сўзлари “назорат-касса машиналарининг, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн нazorat-касса машиналари ёки виртуал кассаларнинг” сўзлари билан, “инкассация қилиниши” сўзлари “инкассация қилиниши (банкларга топширилиши)” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 14-бандда:

12-кичик банддаги “назорат-касса машиналаридан” сўзлари “назорат-касса машиналаридан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн нazorat-касса машиналари ёки виртуал кассалардан” сўзлари билан, “инкассация қилиш” сўзлари “инкассация қилиш (банкларга топшириш)” сўзлари билан алмаштирилсин;

13-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“13) солиқ назоратини амалга оширишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фискал хотирали нazorat-касса машинасида, онлайн нazorat-касса машиналари ёки виртуал кассаларда сақланаётган маълумотлардан фойдаланиш”;

34-кичик банддаги “назорат-касса машиналаридан” сўзлари “назорат-касса машиналаридан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн нazorat-касса машиналари ёки виртуал кассалардан” сўзлари билан, “инкассация қилиш” сўзлари “инкассация қилиш (банкларга топшириш)” сўзлари билан алмаштирилсин.

